

Аллох таолонинг мукаддас китоби бўлмиш Куръони Кариймда ер кимирлаши ва зилзила бўлиши хакида бир неча оятлар нозил килинган бўлиб, улар икки гурухга бўлинади. Биринчиси, инсонларнинг қилган гунохлари ва мақрлари учун Аллох таоло тарафидан маълум бир қавмга юборган ёки юбориши мумкин бўлган зилзила бўлса, иккинчиси Киёмат бўлганда содир бўладиган улкан, шиддатли ва охириги зилзила ҳисобланади.

Аллох таоло Куръони Каримда шундай дейди:

ﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ
ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ

Изаа зулзилати л-ар у зилзала аа • ва ахрожати л-ар у аскоола аа • ва коола л-инсаану маа ла аа.

«Вактики, ер ўзига хос зилзилага тушса. Ва ер ўз юқларини отиб чиқарса. Ва инсон, унга нима бўлди?!, деса». Залзала сураси.

Куръони Каримнинг 99-залзала сурасининг энг аввалги уч оятида Киёмат кунида содир бўладиган баъзи воқеалар тасвирланиб, унинг аввалида Киёмат куни ер юзида жуда шиддатли зилзила содир бўлишининг хабари берилмоқда.

Биринчи оятнинг аввалидаги «Изаа» – «вактики» сўзи, маъно жихатидан ҳам шартли ҳолатни ҳамда воқеанинг қутилмаганда содир бўлишни билдиради. Бундан «Қачонки содир бўлиши аниқ бўлган зилзила қутилмаганда, аввалдан оғохлантирмай содир бўлганда...» деган маъно келиб чиқади.

Аллох таоло ушбу оятлар орқали Киёмат бошланган кунда ер юзи қутилмаганда қучли зилзилага тушиб қолиши ва у ўз ичидан оғир юқларини ер сатҳига отиб чиқаришининг хабарини бермоқда.


Кўпчилик тафсирчилар - ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ ﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮﻟﻮ - ва ахрожати л-ар у аскоола аа – «Ва ер ўз юқларини отиб чиқарса» оятининг тафсирида, қабрлардан

майитларнинг тирилиб чиқиши ва ер остига қўмилган бошқа хазиналарнинг ҳам ер остидан чиқариб ташланишини англатади, дейдилар.

Илмий жихатдан карагалганда эса ернинг чуқур катламларидаги моддаларнинг ер сатхига чақариб ташланиши одатий зилзилаларни келтириб чиқарадиган сабаблардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам, одатда, табиатда зилзила ва вулкон отилиши кетма-кет содир бўлади.

Инсоният тарихида содир бўлган бундай одатий зилзилаларда миллионлаб кишилар ҳалок бўлиши билан бирга, йирик топографик ўзгаришлар, шумладан, улкан миқдордаги ер ости тошларининг ер сатхига чиқариб ташлангани кузатилган.

Ўйлаб кўринг, одатий зилзила туфайли шундай талофатлар кўрилган бўлса, Киёмат куни ер сатхининг бутунлай титраши оқибати нима бўлади экан? Тоғлар қум тепаликларга ўхшаб қулайди, денгизлар тошади, материклар ўз ўрнидан кўзгалади... Ер аввалги кўринишини буткул йўқотиб, Китобда баён қилинганидек умуман бошқача кўринишга айланади. ер ўзининг юқини ташқарига отиши, ичидаги кизиган тош ва лавадан иборат масса ер сатхига ёйилиб кетади. Шундай воқеалар бўлиши мумкинми? Куръони Каримнинг мана шу оятида жуда ажойиб илмий ҳақиқат мужассам бўлган. Унга кўра, Киёмат куни ер ўз ичида сақлаб турган оғир юкларни ташқарига отиб чиқариб ташлайди. Куръони Каримнинг мана шу ояти илмий жихат инсониятга маълум бўлган илмий-геологик қоидаларни ўзида акс этган.



Геология мутахассисларининг фикрича, агар ер сайёрасининг катламларини ер сатхидан ядрога қараб бирма-бир таҳлил қилиб чиқилса, ҳар бир катламнинг оғирлиги ер марказига қараб тушган сари оғирлашиб ва зичлашиб бориши, шунингдек, катлам таркибида темир ва унинг турли оксид кўринишларининг улушининг кўпайиб боришини кузатишингиз мумкин.

Марказга қараб тушган сари зичликнинг кўпайишининг икки сабаби бор:

- 1) босимнинг кучайиши. Чунки ер марказига яқинлашган сари унинг устидаги катламларнинг оғирлиги ҳам кўпайиб, босим кучайиб боради;
- 2) гравитация таъсирида ер таркибидаги оғир моддалар ер марказига «чўкишга»,

енгилрок моддалар эса ер сатхига «сузиб чиқишга» ҳаракат қилади. Шу сабабдан, темир ва унинг турли оксид кўринишлари (FeO ва Fe2O3), шунингдек никель ва темир сульфат билан бирга ернинг марказидаги ядрода жамланган. Бунинг натижасида, ернинг марказий катламлари ер сатхига караганда яна ҳам огиррок бўлади.

Ернинг мана шу марказига яқин бўлган огир катлам, яъни юк, Киёмат кунининг шиддатли зилзиласи туфайли ер сатхига отилиб чиқади. Шу жихатдан караганда, $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$ - Изаа зулзилати л-ар $\rho_{\text{земли}}$ у зилзала $\rho_{\text{ядро}}$ аа, ва ахрожати л-ар $\rho_{\text{земли}}$ у аскоола $\rho_{\text{ядро}}$ аа – ояти «Вактики, ер бутунлай зилзилага тушса ва ундан огир юклар: тош-у олов ер устига отилиб чикса» деган маъно келиб чиқади.

Куръони Каримда Киёматда содир бўладиган ер силкиниши хақида Назиат сурасида ҳам баён қилинган. Уламолар бу сура ер кимирлашини баён қилиш учун «залзала» феъли эмас, балки бошқа лафзлар ишлатилганини айтадилар.

$\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$

Ва (л)-нназиѐти горко(н) • ва (л)-ннашиитооти нашто(н) • ва (л)-ссаабихаати сабха(н) • фа (л)-ссаабикооти сабко(н) • фа л-мудаббиурооти амро(н) • йавма таржуфу (л)-рроожифах • татбаўхаа (л)-рроодифах • кулуубу(н)-ййавмаизи(н)-ввааживах • аб $\rho_{\text{земли}}$ ооруухаа хоошиѐх

«Шиддат билан (кофир) жонни сугуриб олувчи(фаришта)лар билан касам. Юмшоклик билан (мўмин) жонни олувчи (фаришта)лар билан касам. Сузиб юрувчи (фаришта)лар билан касам. Ўзишда мусобақа қилувчи (фаришта)лар билан касам. Амрнинг тадбирини қилувчи (фаришта)лар билан касам. Изтиробга тушувчи изтиробга тушган кунда. Унга эргашувчи эргашар. Ўша кунда қалблар хавфга тўлар. Уларнинг кўзлари кўркинча тўлар. Назиат сураси.

Ушбу сурада Киёмат куни содир бўладиган вокелар тасвирланмокда. Бу суранинг 5-6 оятларининг тафсирида уламолар турлича фикрларни билдирганлар.

$\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$
 $\rho_{\text{земли}} \gg \rho_{\text{ядро}}$

йавма таржуфу (л)-рроожифах

татбаўхаа (л)-рроодифах

Кўпчилик уламолар – ﷻ﷼﷽﷾﷿ﻪﻑﻮﻟﻮﻧﻮ – «(ал)-рроожифах» – «изтиробга тушувчи» сўзидан мурод биринчи бор Сурга пуфланиш, ﷻ﷼﷽﷾﷿ﻪﻑﻮﻟﻮﻧﻮ – «(ал)-рроодифах» – «эргашувчи» сўзидан мурод иккинчи бор Сурга пуфланишдир, дейдилар. Бошқа бир уламолар, «(ал)-рроожифах» – ерни, «(ал)-рроодифах» эса Киёмат соатини билдиради дейдилар.

Яна бошқа уламолар эса, «(ал)-рроожифах» – ер силкиниш, «(ал)-рроодифах» – кучли кичкирик, деб айтганлар.

Шунингдек, оз сонли тафсирчилар «(ал)-рроожифах» – ернинг изтиробга тушиши, «(ал)-рроодифах» эса унинг силкиниши эканлигини айтганлар.

Охирги фикр ҳам хакикатга жуда якин. Чунки ернинг саросимага тушиши ва унинг силкиниши орасида деярли фарк йўк.

Зотан ер кимирлаши бўлганда куйидаги холат содир бўлади:

Одатда кучли бил зилзила содир бўлишдан аввал ерда кучсиз кимирлаш кузатилади.

Бунга фан тилида «форешок» дейилади. Бундай кичик силкинишлардан кейин каттик ва дахшатли зилзила содир бўлади.

Шунингдек, бу каттик зилзила тўхтаб, маълум бир муддат ўтгач, унга эргашиб аввалги зилзилада вайрон бўлмаган нарсаларни ҳам вайрон қиладиган яна бир ер кимирлаши кузатилади. Бунга «афтершок» дейилади.

Шундай қилиб, ﷻ﷼﷽﷾﷿ﻪﻑﻮﻟﻮﻧﻮ – «(ал)-рроодифах» – «эргашувчи» сўзидан мурод, афтершок бўлиб, у асосий зилзила ортидан эргашиб келади ва одатда, кучсизрок бўлади. Баъзан эса унинг акси ҳам бўлиши мумкин.

Демак, Назиат сурасининг 5-7 оятларидан «Киёмат содир бўлганда ер дахшатли зилзила билан изтиробга тушганда. Сўнгра унинг ортидан яна зилзила (афтершок) эргашганда, инсонларнинг қалблари хавфга, кўзлари эса кўркинчга тўлади», деган маънони ҳам тушуниш мумкин.

Куръони Каримда ер кимирлаши ва зилзилалар хақида бундай аниқ маълумотларнинг берилиши унинг илмий мўъжизаларга бой эканлигига далолат қилади.

Dr. Shaher Gamal Agha маколasi асосида Syeed тайёрлади